

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2006-yil • 22-avgust • Seshanba • 95-96 (27.588) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти



ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ

МАМЛАКАТДА МАЪНАВИЯТ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ҚАНЧАЛИК ЮКСАК РИВОЖЛАНСА, ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ ҲАМ ШУНЧАЛИК ТЕЗЛАШАДИ

Шу йилнинг 17-18 август кунлари Тошкент шаҳрида «Ёшларда фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавият ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш вазифалари» мавзусида партияимиз ёшларнинг якуловчи анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуман мамлакатимиз Муस्ताқиллигининг 15 йиллиги ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганининг 50 йиллиги бағишланди. Унда «Истиқбол» ёшлар қанотининг Тошкент шаҳридаги фаоллари, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан партиянинг ёш лидерлари иштирок этдилар.



Анжуман доирасидаги тадбирлар В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамиятига ташрифдан бошланди. Марказий Осиеда ягона бўлган бу корхона фаолияти, ишлаб чиқариш жараёни, самолётсозлик тарихидан ҳикоя қилувчи музей экспонатлари билан танишув ёшларда катта таассурот қолдирди. Бу ерда меҳнат қилаётганлар орасида Ўзбекистон ХДП аъзолари оз эмас. Уша кунни бирлашмада партия аъзоларига янги партия билетларини топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу бирлашмадан бир олам қувонч ва ҳаяжон билан чиққан «Истиқбол»чилар ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши уюштирган ёшлар фестивалида иштирок этишди. Хотира майдони... Мотамсаро она ҳайкали... Ёшлар бу муқаддас жойларни зиёрат қилишди, ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди. Муस्ताқиллик майдони... Кейинги

йилларда Юртбошимиз ташаббуси билан тубдан қайта қурилади, бу ерни ободонлаштириш ишлари давом этмоқда. Ёшлар Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи, Эзгулик аркаси, майдоннинг ўтмиши ва бугунини ифода этган фотосуратларни қизиқиш билан томоша қилдилар. Шундан сўнг анжуманнинг конференция қисми ўз ишори бошлади. Иштирокчилар «Фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг асосий масалалари», «Юксак маънавиятни шакллантириш муаммолари» ҳамда «Ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш вазифалари» каби мавзуларда маърузалар тинглаб, савол-жавобларда фаол иштирок этдилар. Биринчи мавзу юзасидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Латиф Гуломов маъруза қилди. — Биз бугун мамлакатимиз Муस्ताқиллиги кун арафасида Ўзбекистонимизнинг бар-

ча минтақаларида бўлиб ўтган партияимиз ёшлар қаноти фаоллари анжуманларини якунлаш, тегишли хулосаларни чиқариш, вазифаларни белгилаб олиш мақсадида тўпландик, — деди маърузачи. — Утган 15 йил ичида таълим олиб, ўсиб-улгайиб мамлакат фуқаролигининг янги авлоди муस्ताқиллик ҳаёт бошлади. Сизнинг авлоднингиз нафақат Ўзбекистон интилаётган буюк келажакда яшайди, балки ёшларга хос ғайрат ва шижоат, муस्ताқиллик берган имконият, билим, кўникма ва тажрибаларни ишга солиб, бу келажакни ўзлари яратди. 15 йил мобайнида биз аудиториялар ва партияимиз минбарларида кат-

та ёшдагилар, баъзан эса кексалар қиёфаларини кўриши одатланиб қолган эдик. Бугун биз сизнинг тимсолингизда партияимиз ёшлар қанотининг кўрмоқдамиз. Ўзбекистон ХДПда ёш фаоллар кўпаймоқда. Бу фаоллар ўтган ярим йил мобайнида ўз ташкилотини шакллантириш вазифаларини муҳокама қилишдан ёшлар муаммоларини ҳал этиш чоралари устида бош қотиришга ўтдилар. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13 йиллигига бағишланган тантанали ййгилишдаги маърузасида айрилган мамлакатимиз ва унинг

2-бет



— Урганч шаҳридаги «Шимбор» хусусий корхонасида ишлаётганига мана икки йилча бўлиб қолди. Илгари Ўзбекистонга келмагандим, аммо бирмунча тасаввурга эга эдим. Истиқлолдан сўнг мамлакатингизда хорижлик ҳамкорлар билан ишлашга кенг имкониятлар яратилди. Шу боис бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар дунёнинг турли бурчақларига етиб бормоқда. Мамлакатингизнинг иқтисодий салоҳияти ҳам жадал сурьатлар билан ўсиб, дунёнинг илғор давлатлари қаторига қўшилмоқда. Тан олиш керак, шўролар замонида юритилган нотўғри сиёсат тубайли минтақادا экологик муаммолар тўпланиб

Пўён КОЗИМИНИЙ, эронлик тадбиркор:

Эътироф

«БУ ХАЛҚ БУЮК КЕЛАЖАК ЯРАТАДИ»

қолган. Буларнинг бири тоза ичимлик суви масаласи. Вилоятдаги «Сувоқва» ташкилоти билан ҳамкорликда ичимлик сувини яхшилаш борасидаги ишларни амалга ошираялми.

Хоразмга келиб кўплаб дўстлар орттирдим. Меҳнатқаш, меҳмондўст халқ менга кадрдорларимдек яқин бўлиб қолди. Юрт кезиб, одамлар билан танишдим. Қадим юртининг бебахо тарихий обидаларини ўз кўзим билан кўрдим ва шуни англадимки, ўтмиш бой халқнинг бугун ва эртаси ҳам ёруғ бўлади. Буни ўтган 15 йилда эришган ютуқларингиз тасдиқлаб турибди.

Тарихдан яхши маълумки, Юсуф Ҳамадоний Наҳмиддин Кубронинг маслақдоши бўлган. Унинг ҳузурда ҳам бир неча бор бўлган. Шу боис бугун эронликларнинг Наҳмиддин Куброга эътиқоди ва ҳурматлари банд.

Аммо шўролар замонида ул зотнинг қадимжоси вайронага айланган эди. Бундан биз ҳам қаттиқ ранжиганми. Фақатгина муस्ताқиллик боис оқил, узоқни кўра билувчи Президентингизнинг ташаббуси ва савий-ҳаракати билан у муқаддас зиёратгоҳга айланган эди. Бундан нафақат хоразмликлар, балки биз ҳам жуда мамнун бўлдик. Шарқнинг фахри бўлган Мухаммад Хоразмий, Ал Беруний, Ибн Сино каби улғу алломалар жаҳон фани тароққийига улкан ҳисса қўшишгани тарихий ҳақиқат.

Маълумки, эътиқодли, қалби озоод инсон — ҳурдир. Қалби пок, ниятлари тоза, кўнглида Ватан иши бўлган ана шундай инсонлар буюк келажак яратади. Ўзбек халқи ана шундай халқ. Бу халқ буюк келажак яратади.

Рўзимбой ҲАСАН ёзиб олди.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН УЧГАН ЛАЙЛАКЛАР

БУНЁДҚОРИК — ТИНЧЛИК ТИМСОЛИ

Бирор узоқ манзилга йўлга чиқишдан олдин кексалардан дуо олиш миллатимизга хос удум, айни пайтда яхши фазилат. Бундай пайтларда хонадон тўрида ўтирган нуроний оқсоқоллар, фаришталарча моллар кўларини дуога очиб «Илоҳим, йўлингни берсин, ой бориб омон қайтгин», дейдилар. Бу дуо дилингизнинг туб-тубида чиқок ёқди. Рухиятингиз тиниқлашди, вуждингизга янги куч оқиб кириди.

Яқинми, узоқми — ана шундай яхши ниятлар билан бошланган сафар ҳикмати кечади. Зеро, бугун жонажон Ўзбекистонимизнинг қайси бурчақига борманг, фақат бир ҳолатни — яхши яшаш учун меҳнат қилаётган одамларни кўрасиз. Тўғри, деққончилик, боғбонлик, соҳибкорлик биз учун бобомерос касб. Аммо бугун ўзбек эли қувруч халқ сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Йиллар оша яшаб кел-

лаётган бир ҳақиқат бор: топганини ўзидан орттирган одам уй қуради, тўй бошлаб, байрам қилади. Топганининг ўзиндан ортиши учун эса кўнглингиз хотиржам, элу юртингиз осоийишта бўлмоғи лозим.

Минг шўқри, ана шу буюк бахт бугун бошимизда балқиб турибди. Шу боис сен йўл юриб ҳузурга борган одамларнинг орзу-ҳаваслари сеникига эш — яхши яшаш!

Оқшомлари осоийишта, кунлари ёруғ, қалблариде саодат нури. Бундай инсонлар билан бир зумда тил топишасан. Мана шундай инсонларни биз, бир гуруҳ ижодкорлар муस्ताқиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида диёримизнинг шимолий минтақаси — Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманига ташрифимиз чоғида кўрдик.

ЖИПСЛИК ҲИҚМАТИ

Нукус шаҳридан Эллиққалъа туманигача бўлган масофа 150 километрдан зиёд. Автоуловларга ўтириб Эллиққалъа сари

йўл оларканмиз, биринчи кўрган им оғуш бош қўйишга чоғланаётган қувё бўлдик. У ҳали қизариб улгурмаган, жилмайиб турибди. Гўёки бизга «хуш келибсиз, қадим қалъалар кўрмоғига» деяётгандек.

Эллиққалъа — биргина қалъанинг номи. Бу ғўшада бундай қалъалардан 258 таси бор. Кўз илгануна текисликларга ёйлиб кетган ана шу манзараларни кўриб дилимдан бир ўй кечди: «Биз тўрт-беш кун уриниб, лой қориб шу чўлда пахса урсак, унинг бўғоти бўлмасе, неча йил тураркин? Не-не тало-тўпларни кўрган бу қалъаларнинг неча асрлар оша сақланиб келётганининг ҳикмати нимада?» Дарҳақиқат, ўйлаиб қолсан... Бу шимолий минтақаси — Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманига ташрифимиз чоғида кўрдик.

• Хушхабар

СВЕТЛАНА — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Хитой пойтахти Пекин шаҳрида энгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтган XI жаҳон чемпионатида 180 дан зиёд мамлакат вакиллари қаторида ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Айниқса, бандликка сакраш бўйича олтин медаль учун кечган баҳс қизиқарли бўлди. Мусобақа ҳақамлари тўсиқ баландлигини 1 метру 88 сантиметрга кўтарганида уни забт этишни фақат икки нафар спортчи — ҳамюртимиз Светлана Радзивил ва олтин медаль учун асосий даввогар — хитойлик Синхуань Чжэн удралади, холос.

...Нихоят, икки спортчи ўртасида жаҳон чемпионлиги учун ўзаро рақобат бошланди. Тўсиқ бир метру тўқсон бир сантиметр баландликка ўрнатилди. Хар икки спортчининг дастлабки уриниши бекор кетди. Кўп минг сонли стадион хитойлик спортчини кўллаб-қувватлаб турган бир пайтда бутун маҳоратини ишга солган ўзбекистонлик спортчи бу бандликни ҳам маҳорат билан забт этди. Синхуань Чжэн эса уч уринишда ҳам бир метру тўқсон бир сантиметрлик баландликдан ўтолмасди ва кумуш медаль билан кинфоялинишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган Светлана Радзивил шара-



фига Пекиндаги стадион узра давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилди. Айтиш жоизки, бу ўзбекистонлик спортчиларнинг ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида қўлга киритган учинчи олтин медалидир.

Зоҳир ТОШҲҲАЕВ, ЎЗА мухбири

БОҚИЙ ВА БАРҲАЁТ АНЪАНА

Муस्ताқиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ота-боболаримизнинг умрбоқий анъаналарини муносиб давом эттириш, уларни янгича маъно ва мазмун билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда 19-20 август кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашари бунинг яна бир исботи бўлди. Уни ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича фаолият юритган республика ишчи гуруҳидан олинган маълумотларга қараганда, унда қарийб 17 миллион юртдошларимиз иштирок этган.

Хашар кунлари 32 минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди. 60 минг тоннадан зиёд маиший ва қурилиш чикиндилари ташиб кетилди. Ариқ-зовурлар ва бошқа сув йўллари тозаланди. Зиёратгоҳ ҳамда қабристонларда, аҳоли яшаш жойлари ва ишхоналарда кенг қўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Меҳр-муруватга муҳтожлар ва кам таъминланганлар ҳолидан хабар олиш — халқимизнинг азалий фазилатларидан. Хашар кунлари бундай анъаналар янада жонланди. Эҳтиёмжанд

оилаларга қарийб 400 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Хашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилди. Бу маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, Меҳрибонлик, Саховат, Муруват уйлари каби ихтисослашган муассасаларнинг моддий-техника базасини янада яхшилашга сарфланади. Баҳор ҲИДИРОВА, ЎЗА мухбири



1 Австралия доллари	933,45	1 Польша злотийси	404,26
1 Англия фунт	1212,01	1 СДР	1825,54
1 Дания кронеси	2316,56	1 Туркия лираси	847,12
1 БАА дирҳами	334,34	1 Швейцария франки	1000,90
1 АКШ доллари	1227,90	1 ЕВРО	1581,29
1 Миср фунти	214,01	10 Жанубий Корея вони	12,84
1 Исландия кронеси	17,67	10 Япония иенаси	106,27
1 Канада доллари	1093,02	1 Россия рубли	45,93
1 Хитой юани	153,98	1 Украина гривнаси	243,15
1 Малайзия ринггити	334,76		

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26

www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKIDORGA HAMKOR!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74

WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятиги учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу сўзларда онгли фуқаролик фаоллигининг асосий шартини ва маъноси муҳасаб қилади. Бу фаоллик мамлакатимизда илҳомдор шакллантирилган фуқаролик жамиятини янада тезроқ ва мукаммалроқ барпо этишга хизмат қилади. Бинобарин, мустақам ҳаётини позиция дегани биринчидан, ўз мамлакатини фуқароси ва ватанпарвари бўлиш дегандир. Иккинчидан, ўз халқининг асрлар оша тўплаган илҳом хазиналарини ва умуминсоний цивилизациянинг энг яхши ютуқларидан ўз билимларини доимий равишда бойитиб боровчи маърифатли киши бўлиш дегандир.

Фуқаролик ва ватанпарварлик — бу шунчаки расмий тушунчалар эмас. Ватанпарвар — атрофдагиларни ва ўзини Ватанини севишга ишонтиратган одамдир, десак янглишамиз. Чунки, бугун бунинг ўзи етарли эмас. Ўз мамлакатини тақдирини ўзининг масъулиятини ҳис этмоқ лозим. Ватаннинг қўллаб-қувватлаш учун қийин кўлагиришни кутмасдан, бунга ўзи ҳара-



қачиш учун бандлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳудудий дастурларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқишмоқда. Биз партиядинг барча ёш фаолларини ўзларига тегишли муаммоларни ижобий ҳал этувчи барча жараёнларда бевоҳита ва фаол иштирок этишларини истар эдик. Президентимизнинг бевоҳита аҳоли бандлигини таъминлашга оид бир неча фармонлари эълон қилинди. Аммо, айрим жойларда уларнинг ижроси сўг. Неча депутатлик гуруҳларимиз масалаларни жойларнинг ўзида кўтармайдими?

керак эмас. Имкон қадар жойларнинг ўзида масалани ечиш керак. Биз ҳам сиз айтган тақлиф устида ишляймиз. Агар режаларимиз амалга охса, штат асосидаги раис ўринбосари лавозими масаласи 2007 йилдан амалда ҳал бўлади. Агар жойларда имконият бўлса, ҳозир ҳам бу борада уларга ҳеч қандай расмий тўсиқ йўқ. **Савол (Акбарали Ёров, Тошкент шаҳри):** — Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртини таҳсил олаётган даврларида кўпчилик талабалар партиядинг жойларнинг ўзида кўтармайдими?

қанчалик даражада фаоллиги, ён-атрофимизда, партиямизда, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмасликларини яққол кўзга ташлади. Тўшдан сўнг анжуман иштирокчилари ўз қизиқишларидан қелиб чиқиб, учта йўналиш бўйича алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлинди. Ҳар бир гуруҳ мажлиси битта маърузада кўтарилган масалалар, муаммоларнинг муҳокамасига бағишланди. Танафус вақтида эса ёшлар маҳаллий ҳунарманд, чевар, расом, янгилик яратишга интилувчи... ёшларнинг ижодий кўрағамаси билан танишдилар.

Анжуман иштирокчилари республика ёшларини «Истиқбол» ёшлар қаноти сафларида туриб ҳаракат қилишга, сиёсий жиҳатдан маданий, ижтимоий жиҳатдан фаол, Ватан мустақиллиги, кўп миллатли жамиятимиз барқарорлиги, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун астойдил курашадиган фуқаролар бўлиб етишишга, бугунги тинч ҳаётимизнинг қадрига етишга, юртимизнинг барқарор ривожланишига тўқунлик қилмоқчи бўлаётган бузғунчи қўларнинг иғво ва найранглирига умасликка, мустақиллигини қўриқиб олишга қизиқиб олган фуқароларнинг кўз қорачиғиде асарига, жонон Ватанимизни иқтисодий жиҳатдан кўдратли, маънавияти юксак, халқи фаровон, гуллаб-яшнаётган давлатга айлантиришдек олжаноҳ мақсад йўлида ҳамкорлик қилиш, кўлини қўлга бериб ишлагача қайтардилар.

Конференция сўнгиде анжуманнинг Ўзбекистон ёшларига муносабати қабул қилинди.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 2001 йилдан бунён 31 август Қатағон қўрбонларини ёд этиш кўни ҳисобланади. Шу сана олдин ташкилотлари кўп ишлаган, бош қотиришлари керак. Нима бўлганда ҳам ҳар бир ишни онгли равишда қилишимиз керак.

Шундан сўнг иккинчи маъруза тингланди. Юксак маънавиятни шакллантириш муаммолари ҳусусида тўхталган фалсафа фанлари номзоди Ойниша Муҳаммадиева бу борадаги ёшлар олдида турган масалаларга алоҳида ургу берди. Яна қизин савол-жавоблар бўлиб ўтди. Учинчи мавзу — ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш вазифалари ҳақида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази бош мутахассиси Санжар Тошев батафсил тўхтади. «Истиқбол» ёшлари савол-жавобларда фаол эканликларини яна бир бор намойён этдилар. Бу ерда уларнинг

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ САОДАТИ

ЁКИ УЙФОҚ ҚАЛБ, УЙФОҚ НИГОҲ БИЛАН ЯШАШ ҲАҚИДА

Инсоният яралибдики, у ўзлигини англашга, ўз кадр қимматини тиклашга, олий мавжудот сифатида ўзлигини намойён қилишга интилиб келади. Бироқ, баъзан шундай тарихий шароит, ижтимоий вазият юзага келадикки, бу инсоннинг ўзи ҳақида ўйлашга, миллий қадриятларини асрашга монелик қилади. 130 йиллик мустақамлачилик халқимиз учун ана шундай топталиш, хўршлаш ва тақдирлаш даври бўлди.

Мана, ўн беш йилдикки, миллий ўзликини англаш жараёнини бошдан кечираймиз. Ана шу маънавий-руҳий, ахлоқий ва маърифий жараён сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тасавурларнинг янгилашиши билан қўшилиб кетиб, том маънодаги ағил фуқаро юзага келиши билан боғлиқ бўлган катта ижтимоий-тарихий воқеаларга айланмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик боис мустақил тузум исқанжасидан озод бўлди. Бутунлай янги тарихий шароитларда яшаш имконияти вуҷудга келди. Ўзбекистон давлатини дунё тан олди. Жуда қисқа тарихий даврда мамлакатимиз дунёнинг энг фаол, ўз сўзи ва эътиқодига эга бўлган давлатлари қаторига қўшилди. Глобал муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда. Иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда тўб бурилиш юз берди. Эркин бозор муносабатлари ва фуқаролик жамиятининг мустақам пойдевори яратилди. Буларнинг ҳаммаси янгилаётган таваққул, ўзгараётган она билан боғлиқ бўлган жуда катта маънавий-маърифий ҳодисадир.

Умуман олганда, мустақил тушунчаси ҳақида фикр қоритадиган бўлсак, баъзан ишбуни шарҳлашда, унга таъ-

риф беришга масъулият билан ёндашамиз. Лекин, энг аввало шунга айтиш керакки, мустақиллик тенглик сари қўйилган биринчи қадамдир. Чунки, тенглик бўлмаган жойда кимдир бировга тобе бўлади. Мутелик бор жойда ҳукмронлик, ўзгалар ҳисобига яшаш иллати пайдо бўлади. «Тенглик» сўзининг қудрати шундаки, у одамларнинг ўзи муносабатларидан тортиб, мамлакатлараро муносабатларга ҳамма нарсадан меъёр-меъонга солади, турли камситишлар ёки ортиқча таъзим-таъвозга чек қўяди.

Мустақиллик — ўзаро ҳурмат, бир-бирини тан олиш, бир-бирини қадрлаш асосида мамлакат фуқаролари ўзаро муносабатда ҳам, давлатлар ўртасидаги алоқаларда ҳам умуминсоний қадриятларга таяниш иш қилиш, барчага тенг меъонлар асосида яшаш дегандир. Мустақиллик — жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдирини билан боғлиқ бўлган истиқбол ҳақида ўйлашдир. Ва айни пайтда эркин дунёқараш, эркин таваққулга суяниб яшаш салоҳиятидир.

Мустақил яшашга, фикрлашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, қадир одам зиддиятларини осонлик билан енград, қаршини шиддатли қўриқиб олиш, ҳаётини доводир қолмайд. Ана шу оддий ҳақиқатни давлат мустақиллиги ҳам қийинлашди.

Мустақиллик қарамликнинг ҳар қандай шаклини, у тақозо этадиган тўсиқ ва зўровонликларни инкор этади. Айни пайтда мустақиллик жаҳон тартиқининг илгор тақриблири асосида ўз раванглигини ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқиш, ягона замон ва макон тақдирини белгилашда ўзаро ҳамкорликнинг янги, умуминсоний

манфаатларга мос келадиган андازаси асосида яшаш дегандир. Агар бу ҳамкорлик ўзаро ҳамжиҳатлик мамлакатлараро, давлатлараро ва минтақалараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларни қарор топтирмаса ўз қобилида қолиб кетиши, миллий маҳдудлик доирасидан чиқолмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг ана шу ҳаёт тақрибасидан ўтган тамойиллари ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаверадир. Чунки у доимий равишда ривожланиб, ўз-ўзини бойитиб, тақомиллашиб, онг ва таваққулни ўстириб борадиган воқеаликдир.

Биз ижтимоий-сиёсий жараёнлар одамлар ҳаётини кескин тарзда ҳам таъдирдан иккинчи ўзганга буриб юрган, ҳаётимиз бутунлай бошқача тус олган ва турмушимиз ўзгача мазмун касб этган мураккаб бир даврни бошдан кечирдик.

Истиқлол туғайли «мустақиллик», «хуррият» деган сўзлар бутун жозибаси билан бирга бекиёс қудратини, буюқ ўзгаришлар муҳаббатини кўрсата бошлади. Дунёқарашимизни янгилаб, фикримиз, таваққулимизни бойитмоқда. Воқеаларни бутун моҳияти билан англашни, дунёга чўқур ва тийрак назар билан қарашни, бу қўнча оламда адолатли жамият ҳам борлигини, бошқача яшаш мумкин эканлигини, коммунистик мафкурадан бўлак ҳаёт лаззатини, инсон қадри қимматини ҳимоя қиладиган гоғлар ҳам мавжудлигини кўрсатиб берди. Зотан, истиқлолнинг буюқ моҳияти, бекиёс қудрати ана шунда.

Истиқлол бизга ўзлимизни англади. Ўзини англаш — оламни англаш, оламни тушуниш — одамни тушуниш, демаски, ҳаётнинг мазмунини идрок этишдир. Инсон ўзининг бутун моҳиятини,

ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ

кат қилмоғи, бу билан ўзи ва оиласи фаровонлиги тўғрисида қайғурмаслигимиз.

Шу ёдинда бўлсинки, биз нафақат тенг ҳуқуқли, балки тенг масъулиятли фуқаролармиз. Ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, ўз халқи ва ўз бахт-саодати йўлида улардан фаол, онгли ва масъулият билан фойдаланишни билиш лозим. Бу ҳуқуқ ва эркинликлардан қелиб чиқадиган фуқаролик вазифаларини виждонан бажариб, улар билан бир бутун бўлмоқ даркор...

Савол (Ғолиб Ҳасанов, Самарқанд вилояти): — Илҳис фуқароларни меҳнат билан банд қилмай туриб уларда фаол фуқаролик қарашларини, позициясини шакллантириш қийин деб ўйлайман...

Жавоб: — Тўғри айтдингиз, эътибор берган бўлсангиз партиямиз ўзининг IV ва V қўрултойлари, IV пленумида ишсизлик ва унинг олдини олиш масалаларига ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида қаради. Партия ташкилотлари меҳнат бўлимлари ва ижтимоий шерикларимиз билан ҳамкорликда бую иш ўринлари ярмаркаларини ўтказмоқдалар. Шунингдек, партия маҳаллий кенгашлари қошида ташкил этилган жамоатчилик қабулхоналарига муносабат билан фуқароларни ишга жойлаштиришга имкон қадар кўмаклашмоқда. Аҳоли бандлиги борасида мунтазам мониторинг олиб борилапти. Халқ депутатлари тегишли Кенгашларида кўриб

ўларнинг пинағини бузиш учун сиз ҳам бизга ёрдам беринг. Фаол фуқаролик позициянгизни кўрсатинг.

Савол (Аҳмаджон Мавлонов, Наманган вилояти): — Бугунги кунда партиямизнинг барча даражадаги кенгашларида «Истиқбол» ёшлар қаноти шаклланиб бўлди. Аммо унинг олиб бораётган ишлари ҳали бизни қониқтираётгани йўқ. Чунки, «Истиқбол» раислари жамоатчилик асосида ишлайдми. Бунда ишга масъулият, ёндашув ҳам расмий штапта ишлайдиган одамниқидан бошқача бўлади, албатта. Шундан қелиб чиқиб партия кенгашларида ёшлар масалалари билан шуғулланадиган штат асосида раис ўринбосари лавозими жорий этилса қандай самара берармикан?

Жавоб: — Тўғри муаммони кўтаряпсиз. Мен бу борада сизларга икки оғиз тушунтириш бермоқчи эдим. Партиямизда бугунги кунда асосан иккита молиявий манба бор. Биринчиси бевоҳита азъолик бадалларидан йигилгадиган маблағлар, иккинчиси давлат томонидан молиялаштирилган маблағлар. Давлат томонидан берилгадиган маблағ бизнинг Қонунийлик палатасидан олган ўринларимизга кўра ажратилади. Буни биз вилоят кенгашларига тақсимлаб берамиз. Улар ўз навабатида шаҳар, туманларга беради. Аъзолик бадаллар эса асосан маҳаллий партия ташкилотларининг ўзида қолади. Бу билан нима демокиман. Фақат Марказий Кенгашга қараб туриш

ни тугатиб ўз шаҳар ва туманларига борганидан сўнг ўша ердаги партия ташкилотига бориб рўйхатга кирмайдми. Шунинг билан партиядан алоқасини узати. Бунга нима сабаб деб ўйлайсиз?

Жавоб: — Бунда иккита томоннинг айби бор. Биринчи томон шахс, иккинчи томон партия ташкилотлари. Аввало, биз ҳеч кимни мажбурлаб партиядан аъзо қилмаймиз. Яшаш жойи ўзгараётган инсон охириг яшаётган жойидаги партия ташкилотига муносабат билан рўйхатга кириши керак. Балки, ўша талаба бундай ишларни чўқур билмаслиги мумкин. Бу ерда бизнинг ҳам айримимиз бор. Бу борада хали маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари кўп ишлаган, бош қотиришлари керак. Нима бўлганда ҳам ҳар бир ишни онгли равишда қилишимиз керак.

Шундан сўнг иккинчи маъруза тингланди. Юксак маънавиятни шакллантириш муаммолари ҳусусида тўхталган фалсафа фанлари номзоди Ойниша Муҳаммадиева бу борадаги ёшлар олдида турган масалаларга алоҳида ургу берди. Яна қизин савол-жавоблар бўлиб ўтди. Учинчи мавзу — ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш вазифалари ҳақида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази бош мутахассиси Санжар Тошев батафсил тўхтади. «Истиқбол» ёшлари савол-жавобларда фаол эканликларини яна бир бор намойён этдилар. Бу ерда уларнинг

Конференция сўнгиде анжуманнинг Ўзбекистон ёшларига муносабати қабул қилинди.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан 2001 йилдан бунён 31 август Қатағон қўрбонларини ёд этиш кўни ҳисобланади. Шу сана олдин ташкилотлари кўп ишлаган, бош қотиришлари керак. Нима бўлганда ҳам ҳар бир ишни онгли равишда қилишимиз керак.

Шундан сўнг иккинчи маъруза тингланди. Юксак маънавиятни шакллантириш муаммолари ҳусусида тўхталган фалсафа фанлари номзоди Ойниша Муҳаммадиева бу борадаги ёшлар олдида турган масалаларга алоҳида ургу берди. Яна қизин савол-жавоблар бўлиб ўтди. Учинчи мавзу — ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш вазифалари ҳақида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази бош мутахассиси Санжар Тошев батафсил тўхтади. «Истиқбол» ёшлари савол-жавобларда фаол эканликларини яна бир бор намойён этдилар. Бу ерда уларнинг

Ўлмас САЙДИНОВ, ЎзХДП Самарқанд вилоят қаноти раиси:

— Анжуманларимизнинг дастлабки Самарқандда бошланган эди. Мен айтишим мумкинки, бу тадбирлар сафдошларим фаолиги сезиларли даражада ошишига, дунёқарашни ўзгаришига таъсир этибди.

Шахнозахон ШАМСИЕВА, ЎзХДП Олмалик шаҳар қаноти раиси:

— Бугунги анжуман юксак савияда ташкил этилгани билан менда улкан таассурот қолдириди. Бу тадбирлар биз ёшларнинг юртта дахлдорлик ҳиссимиз янада кучайишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Бяхозид ШУКУРОВ
Суратларда:
анжумандин лавҳалар



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

«ЎЗТРАНСГАЗ»: ҚИШГА ҲОЗИРЛИК

ОЛДИДАН КОМПАНИЯ РАҲБАРИНИГ АХБОРОТИ ТИНГЛАНДИ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра ҳудудий газ таъминоти корхоналари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги таркибидан «Ўзбекнефтегаз» МХКга қарашли «Ўзтрансгаз» акционерлик

компанияси таркибига ўтказилди. «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси директори Иркин Вагапов журналистлар билан учрашувда мамлакатимизда газ таъминоти тизими, истеъмолчиларга газ етказиб бериш тартиби ва ундан оқилана фойдаланиш ҳамда тўлов интизомини яхшилаш каби долзарб масалалар ҳусусида гапириб, жумладан деди:

— Бош мақсадимиз — газ таъминотини яхшилаш. Шу кунларда асосий эътиборни қиш мавсумига тайёргарликка қаратаймиз. Газ таъминотида узилшлар бўлмаслиги, истеъмолчиларга уни бетўхтов етказиб бериш ва бу йўлда маҳаллалар билан ҳамкорлик қилиш режаларини туздик. Газ сибосбағи асбоблари таъминоти ҳам алоҳида назорат остига олинган. Учрашувда компания раҳбари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Феруза ИСАЕВА

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН УЧГАН ЛАЙЛАКЛАР

кин, Эркин Самандар, Умида Абдувазимова, Минҳождин Мирзо, Кўчор Норқобил, Хосий Рустамов, Рустам Муусормон, Ўзбекистон Қаҳрамони, оқсоқол адиб Тўлпбергелар Қайтбергенов ва бир неча меъзон иходкорлар Элликқалъа туманида меҳнат аҳли билан юзлашдилар. Шейрлар хуш тилакларга, тилаклар қўшқаларга уланди.

Биз иходкорлар туманининг қай гушасига қадам қўймайлик, чехрасида офтоби бор одамларга рўбарў келишди. Меҳрлар по-яндоз бўлди. Туман ҳокими Нейматилла Худойбергенов тиссолида элга қайишган, халқ деса оромини унутадиган жафокаш инсонни кўрдик. Назаримизда, ҳар йили режаларни ўринлантириб, фалласи, пахтаси, шולי, чорवासидан ортиб, санотли ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб миллат адабиётини ҳақиқий тарғиботчиюга айлануши учун одам том маънода катта қалб эгаси бўлиши керак. Қад ростлаётган мустақил Ўзбекистонимиз бугун юзлаб, минглаб ана шундай фарзандлари боис дунёга буйлашмоқда. Шунинг учун ҳам улугларимиз ҳипсликда ҳикмат кўп дейдилар.

ҲАЙРАТДАГИ ДИЛ ТОРИ
Дунёнинг қўллаб мамлакатларини кўрган, республикамизнинг дегарли барча ҳудудлариде бўлган устоз шорин Абдулла Ориповнинг дил торини шунчаки сўзлар, шунчаки янгиликлар билан чертиб бўлмайди. Элликқалъада эса халқнинг ҳикматтўй шорини яйраб кетди:

Отажон ҳоғи
Шоини тутган,
Муҳаммад Юсуф ҳам
Шоини тутган,
Меҳмонига тузу
Шоини тутган,
Улуг қорақалпоқ
қўзиман қара,
Бу элликқалъа,
Бу Элликқалъа!
Тақдир азал ҳукмини ўзгартириб бўлмас экан. Ўзбекнинг

ошанафас шорини Муҳаммад Юсуф Элликқалъа сўз байраи чоғида ёруғ дунё билан видолашган. Шу боис Муҳаммад Юсуф номли Бўстон академик лицейида шoir хотирасини абадийлаштириш мақсадига унга қўйилган катта бюстининг очилиш маросими бўлди. Ўт қалбли шoir шаънига оташин сўзлар айтилди. Дийдаларда ёш халққанди. Аммо, Абдулла ака ўз сўзларининг якунида бир лутф қилдилар:

— Агар ёр юзининг қайси бир гушасида шорига ҳайкал қўйиб деса, билингки, шу юрт оבוד юр. Чунки бунда маърифатли одамлар яшади. Маърифат, маънавият эгаларининг эса эли хуррам, Ватанлари гўзал бўлади.
«Ором» болалар оромгоҳида бўлган учрашув ҳам жуда самимий кечди. Қорақалпоғистоннинг турли шаҳар ва туманларидан келган ўғил-қизлар иходкорларни хуш саломлар, дилбар қўшқилар, турли тилларда айтилган шеър қаломлар билан қутиб олдилар. Ўз-қўзлариде офтоб порлаб турган ўғил-қизларнинг дил сўзларидан атоқли шoirимиз ҳам таъсирланди:

— Биз бугун Бўстон шаҳридаги археология ва тарих музейида бўлдик. Баъзи бир вилоят марказларида ҳам бундай музейни кўриш қийин. Биласизларми, биз музейда тарих билан юзлашдик. Аждодаларимизнинг қудрати ва ҳикмати қаршида бош эгдик. Улар руҳи олдида масъул эканлигини чўқур ҳис қилдик.

Дарҳақиқат, ўғил-қизларга қарата айтилган бу сўзлар замирида мазийга ҳурмат, бугунги бунёдор қулларга ишонч тўғриси муҳассас эди. Сафаримизнинг биринчи кўни иходкорлар туманда қайта реконструкция қилинган, янгидан чирой очган 43, 45-ўрта мактабларнинг очилиш тантаналарида ҳам қатнашдилар. Қўлигул қурувчилар тақдирланди. Тоза Амиробод қишлоғидеги



15
МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

инсонийлигини қанчалик чўқур тушуна, яшаш мазмун-моҳиятини ҳам шунчалик теран англайди. Ўзлигини англаган киши оламнинг бутун ранг-баранглиги билан бирга ҳаёт мазмунини, ўзининг шунчаки тириклик ва маҳдудлик белгиси эмас, аксинча, табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлигини, шу аснода инсон қадру қимматини тобора теранроқ англай бошлайди. Бевоҳита ички бир давбат ва илоҳий қувват билан маънавий етуқликка, қомилликка интилади. Бу — истиқлолнинг яна бир мўъжизаси.

Мустақилликнинг асосий иқтидорларидан яна бири унинг ижтимоий, маънавий моҳияти бевоҳита омма фикрини уйғотишда, халқнинг ўтмиши, бугуни ва келахаги ҳусусида қайғуриш ҳиссини кучайтиришдан иборат. Мухтарам Президентимиз шундай деган эдилар: «Бизнинг олий мақсадимиз — Мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш».

Дарҳақиқат, айни замонда ўзбек халқининг обрў-эътибори, ҳурмат ва мартабаси жаҳон аҳли олдида тикланди, қадр-қиммати ўз жойига қўйилди.

Истиқлолнинг ўн беш йиллик тарихиёти йўли ана шу тарзда ҳар бир фуқаро онда кескин бўрилиш ясади. Уйғоқ қалб, уйғоқ нигоҳ билан яшаш тарзини шакллантирди. Демак, миллий уйғош, миллий тарқуқуқнинг янги даври шиддат билан қадам ташламоқда.

Борат БОҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири



Фермер Турсунпўлат Мирзаев (ўнгда) 50 центнер ҳосил кўзлаб турибди.

Бугун юртимизнинг қай гўшасига қараманг янгилиниш, ўзгариш, яратиш ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Қайси бир ҳудудда коллеж қуриляпти, қаердадир боғ яратилляпти, бошқа бир манзилда эса замондошларимиз автомобиль ишлаб чиқармоқда. Бир сўз билан айтганда, энг улуғ, энг азиз байрамимизга мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси муносиб совға тайёрлаш ҳаракатида.

Буларнинг бари мустақиллик шарофати, унинг шуқуҳи, имкониятлари мевасидир. Дарҳақиқат, халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқини қайтариб берган бу улуғ сана ҳар қанча улугланса оз. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қанча меҳнат қилсак камлик қилади.

Бугунги кунда барча юртдошларимиз каби деновликлар ҳам яратиш, яшнатиш ишлари билан машғулдирлар. Улар истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, байрамга муносиб совға ҳозирлашга астойдил бел боғлашган. Қўйида мустақиллигимизнинг 15 йиллиги оstonасидаги деновликлар ва уларнинг эзгу ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

БИРИНЧИ МАСАЛА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА МАСАЛАСИДИР

Денов вилоят маркази Термиздан 150 километр шимоли-шарқда Сина ва Боботоғ оралиғидаги гўзал гўшада жойлашган. Шарқидан Сурхон, гарбидан Қизилсув, шимоли-шарқ томонидан Тўполанг дарёлари ўраб туради.

Ўрта асрнинг улуғ сиймолари Дақиқий, Фаррухий, Тохир Чағоний, Мунжик Термизий ва бошқа кўплаб олим уламолар шу юрда камол топишган.

Туман асосан қишлоқ

шароити билан ўлчанади. Аҳолини тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини янада яхшилаш мақсадида туманда «Ойбарак», «Қайтмас» ва «Байналминал» маҳаллаларига 2 километрдан ортиқ қувурлар тортилган.

Ўтган йили «Аргун» ва «Хўжаҳаёт» қишлоқлари аҳолиси «зангори олов»дан баҳраманд бўлган бўлса, бу йил овулларга 34 километрдан ортиқ газ ва тоза ичимлик суви қувурлари тортилиб, таъминот яшилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида жорий йил еттита арте-



15 Мустақиллик — энг олий неъмат!

— Ушбу иншоотлар ўтган йили фойдаланишга топширилди, — таништиради туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Хурсанд Холиқов. — Йўл 3,3 километрдан ортиқроқ. Кўприкнинг узунлиги — 150 метр. Бунга 850 миллион сўм маблағ сарфланган. Энди машиналар шаҳар марказидан юрмасдан, шу йўл орқали манзилига ўтиб кетиш учун имкон яратилди. Илгари ушбу йўналишда ҳаракат қилаётганлар Денов шаҳрига киришга мажбур эдилар ва бу шаҳарда тирбандлик ҳосил қилиб, барчага ноқулайлик туғдирар эди.

КИШЛОҚДАГИ ГИШТ ЗАВОДИ

Бундан 15-20 йил илгари «қишлоқда завод қурилибди», деса ишонармидингиз? Албатта йўқ, Бугун шундай хабар эшитсак гўё бунга ода-

Алоуддин Аттор Валий қабристонидagi мақбара шарқ меъморчилиги услубида қурилган эди. Бугунги кунда ҳам анъана давом этиб, «Ғалаба» ширкат ҳўжалигининг «Остона» маҳалласидаги Ҳазрати Султон Санжар Моъий мақбараси қайта таъмирланди. Ана шундай савобли ва хайрли ишлар авлодлар қалбида ҳам муҳрланиб қолиши мўқаррар.

Туманда айни Ватанимиз Мустақиллигининг ўн беш йиллик байрами олдига бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда. Амалдаги йилнинг ўтган ойларига 20 дан ортиқ иншоотлар фойдаланишга топширилди. «ЎЗДЭУ» автосалони, тадбиркор Турум Мўминов қурган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, «Ўздуробита» уяли алоқа хизматининг офиси, икки қаватли супермаркет, маиший хизмат уйлари, ўнлаб савдо дўконлари шулар жумласидандир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Дастурига асосан шаҳардаги «Туркистон» кўчасида қуриляётган ёпиқ спорт мажмуи мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Энди бу ерда туман ёшлари учун қишин-ёзин спорт билан шўғулланиш имкони бўлади. «Ғалаба» ширкат ҳўжалигининг «Ихтиёр» маҳалласидаги 500 ўринли Қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш коллежи қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. Хуллас, ҳамма ёқда қурилиш, байрам нафаси...

ДЕХҚОНЛАР БИРИНЧИ БЎЛМОҚЧИ

Мустақиллик йилларида деновликлар пахта ва галла етиштиришда ўзига хос мактаб яратди, десак хато қилмаган бўламиз. Ҳар икки соҳа йил сайин ривожланиб бораётир. Масалан 2003 йил туманда 25000 тонна галла етиштирилган бўлса, бу йил 27545 тонна галла хирмони яратилди. Пахта тайёрлаш ҳам 2003 йилга (45000 тонна) нисбатан бир мунча ошди. Ўтган йили деновликлар 46218 тонна «оқ олтин»ни давлатга топширган эдилар.

...Кўш ботишига бир таёқ қолганда «Мирзобадал Мирзаев» фермер ҳўжалиги далаларига бордик.

Фермер Турсунпўлат Мирзаев мақсадимизни билгач, дангалга кўчди.

— Хали мактаб, шифохона, спорт мажмуи, стадион, завод қурганимизча йўқ. Аммо, баҳол қудрат ишла-япмиз. Бир йил давомида кўприк қуриш, йўлни асфальтлашни амалга оширдик. Иккита оилани соғин сизир билан таъминлаб, бир оиланинг тўйини ўтказдик.

— Энди даромаддан гапирсангиз...

— Дангалликни ҳў кўраман. Умумий даромаднику билмайман, лекин ўтган йили 12 миллион сўм соф фойда олдик. Ҳай айни «Нексия» эса бўғдойдан келди.

— Ҳў...

— Бундан ташқари 35 тонна дон жамгардик.

— Бу йил-чи?

— Ихтиёримиздаги 60 гектарнинг тенг ярмига бўғдой экилганди. Ҳар гектар майдондан 70 центнердан ҳосил олинди. Ўзимизда қолгани 40 тоннадан кам эмас. Пахтадан ҳам 50-55 центнерни мўлжаллаб турибмиз. Шунда соф фойда 30 миллион сўмдан ошади...

Азим тоғлар ён бағри узра ястаниб турган воҳа ҳавасни келтиради. Сўлим гўшалар, дарёлар, улкан иншоотлар, мўл ҳосилдан дарак бериб турган пахта далалари... Буларнинг барида ўзига хос маъно ва мазмун мужассам. Вифор, мағрурлик бор. Худди Мустақилликда, Ўзбекистондай. Шу юртга, шу одамларга кўз тегмасин!

МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ...

— Муқаддас қадмоларни ободонлаштириш борасида туманда ўзига хос ажойиб анъана давом этиб келаётир, — дейди партияимиз фаоли, филология фанлари номзоди, фолклоршунос олим Тоштемир Турдиев. — 2004 йилда туманнинг собиқ ҳокими (бугунда вилоят ҳокими) Абдулҳаким Эшмуродовнинг бевосита ташаббуси ҳамда раҳбарлигида Шайх Хожа


Саҳифани «Ўзбекистон овози» мухбирлари Абдумалик ҲАЙДАРОВ, Акбар ЖОНУЗОҚОВлар тайёрлади. Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.



Нормурод Ҳайдаров бошқарувидаги Охунбобоев ширкат ҳўжалиги ҳар йили галладан мўл ҳосил олиб келмоқда.



«Бешиқда ўсган бола бек бўлади», дейди бешиқсоз Тўхтамурод Отамуродов



Шайх Хожа Алоуддин Аттор Валий мақбараси



Зардўз Мафтун Шомуродова тиккан дўппилар Сурхон воҳасида қўлма-қўл...



Болалар учун ёпиқ спорт мажмуи мустақиллик кунлари арафасида ишга туширилади.



Мустақиллик байрами кунини Деновда яна бир янги иншоот — автосалон иш бошлайди.



Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳўнар коллежи мана шундай замонавий қурилишда.

ДЕНОВ: ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

ҳўжалигига ихтисослашган бўлишига қарамай, вилотнинг саноати ривожланган ҳудуди ҳамдир. Туманда йигирмадан ортиқ саноат, қурилиш ташкилотлари, савдо ишлаб чиқариш жамиятлари мавжуд. Шунингдек, бу ерда тадбиркорлик, савдо-сотик, миллий хўнарамдчилик, фермерчилик кенг тараққий этмоқда. Унинг бугунги кунини яраётган забардаст, эл қорига ярайдиган, саховатпеша, хокисор, мард, танти инсонлари бор... Биргина Деновдан 2 та Ўзбекистон Қаҳрамони етишиб чиққани сўзимиз исботидир. Шунинг учун бу туман бежизга «қахрамонлар юрти» дейилмаган.

— Жорий йилнинг ўтган даврида 2133 киши янги иш ўринлари билан таъминланди, — дейди Денов тумани ҳокими, ЎзХДП аъзоси Абдусамат Ҳожиқулов. — 3 километрдан ортиқ газ тармоқлари таъмирдан чиқди. Шифохоналардаги барча қозонхоналар кузги-қишқи мавсумга шай. Соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлиmlарига 2600 тоннадан ортиқ кўмир тарқатилди. Бундан ташқари, туман аҳолисига режада белгиланган 340 тонна ўрнига, 560 тонна кўмир арзон баҳоларда сотилмоқда. 1991 йилгача қурилган кўпқаватли уйлардан 8 таси мукамал ва жорий таъмирдан чиқарилди...

«Сихат-саломатлик йили»да туман марказида 100 ўринга мўлжалланган «Нуронийлар чойхонаси», Со-бир Раҳимов номли ширкат ҳўжалигида қишлоқ врачлик пункти, 16-сонли маҳаллада болалар спорт мажмуи, шаҳар марказида 2 қаватли хусусий тиш даволаш маскани ва бошқа кўплаб янги бинолар фойдаланишга топширилди.

Туман ҳокими таъкидлаганидек, фаровонлик даражаси аҳолининг иш билан таъминланиши ва турмуш

зиан фойдаланишга топширилган. Кўп болани ва кам таъминланган 170 га яқин оилага соғин сизирлар берилганлигини халқимизга хос меҳр-мурувват ва ҳўмилийлик нишониси дейиш мумкин.

ТАРАҚҚИЁТ — МАКТАБ ВА ЙЎЛГА ЭЪТИБОРДАН БОШЛАНДИ

Ўтган йили тумандаги Асад Ҳидоятлов номли фермерлар уюшмасида 315 ўринга мўлжалланган икки қаватли замонавий мактаб фойдаланишга топширилди. Туман марказидан олисда жойлашган тоғлар қўйнидаги илм маскани қурилишига 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

— Бундай замонавий, ҳамма шароитлари мўҳайё мактаб илгарилари нафақат биз тоғликларнинг, балки шаҳар марказида яшовчиларнинг ҳам фақат орузи эди, — дейди мактаб директори Ҳикматилла Бобомуродов. — Мустақиллик туфайли бизнинг болалар мана шундай даргоҳда илм олиш бахтига муяссар бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мактабга эътибор тараққийёт калитидир. Шу маънода туманда мактаб шароитини яхшилаш ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Чунончи, Ҳазорбоб ширкат ҳўжалигидаги 386 ўринли 48-мактаб капитал реконструкция қилинган бўлса, 19,22,36,37,71,89-мактаблар капитал,

33,40,43-мактаблар эса жорий таъмирдан чиқарилди. Амалдаги йилда яна 13 та мактабда капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ниҳояланмоқда. Бу келажгимиз бўлган ёшларга яратилаётган шароитнинг бир кўринишидир, холос.

...«Бишкек — Душанбе — Термиз» йўналишидаги «М-41» автомагистрални кишининг ҳавасини келтирар даражада тасини ва раван. «Қизилсув» устидан ўтган янги кўприк янада маҳобатли.

Йўл қурилиш бошқармаси бошлиғи Ўрол Худойбердиев «Ривожланиш текиси ва раван йўллардан бошланади» деб ҳисоблайди.




«Завод биз — ёшлар учун янги иш жойлари яратди», дейди ишчи Фофур Содиков.



«Боди ҳаво» қишлоқ врачлик пункти шифокори Шокира Раҳматуллаева (ўртада), ҳамширалар Нарғиза Ҳожиева ва Майсара Раҳматуллаевалар яратилган шароитлардан мамнун.



Тоғ ён бағридаги 58-мактаб директори Ҳикматилла Бобомуродов (ўнгда) бир гуруҳ ўқитувчилар билан янги ўқув йили режаларини муҳокама қилмоқда.



Ушбу мактаб тоғ чўққисидан қурилган дейилса баъзилар ишонмаслиги мумкин...



«Ўздуробита» янги биноси шаҳар чиройига чирой қўшди.

АЙЁМ АРАФАСИДАГИ ЗИЁРАТ

РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ТАШАБУСИ
БИЛАН 300 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ БУХОРОИ ШАРИФНИНГ МУҚАДДАС
ҚАДАМЖОЛАРИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИБ ҚАЙТДИ



Хукулатимиз жамиятда хотин-қизларнинг нуфузини, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ролини янада оширишга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони республикамиз хотин-қизлари ҳаётида катта ижтимоий ўзгаришларга асос бўлмоқда.

Шу бонс Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси яна бир хайрли ташаббусга қўл урди. Республикаимизнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, ибратли хонадон соҳибаси, ўқитувчи, шифокорлар, кам таъминланган оила бекаларидан иборат 300 нафар хотин-қиз қадимий Бухоро шаҳрини зиёрат қилиб қайтдилар. Ўзбекистон темир йўллари Давлат акциядорлик компанияси зиёратчиларга хомийлик қилди.

Когон темир йўл станциясига поездимиз тўхтаганда, уфқдан кўш аста-секин бош кўтариб, замин уйғонганди. Когон Бухоро шаҳридан 12 километр узоқликда жойлашган. Бухоронинг қадимий 11 дарвозасидан бири — Қарши дарвозаси, яъни ғарбий қисмидан Чор Бақр тарихий-меъморий мажмуасига йўл олди.

Маълумки, Чор Бақр мажмуаси 1999-2002 йилларда қайта таъмирланди.

— Чор Бақр тарихий ёдгор-

лигини зиёрат қилдим, — дейди Сирдарё вилояти, Янгйер шаҳри «Маърифат» маҳалласи фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалар бўйича маслаҳатчиси Гулнора Боймирзаева. — Бухорода биринчи бор бўлишим. Муқаддас қадамжони зиёрат қилгач, аждодларимиз ўтмишда илм-маърифатни нечоғлик устун қўйганликларини чуқурроқ тушундим. Бугун билган, кўрган-



ларимни маҳалла аёлларига айтиб бераман.

Ситорай Моҳи Хосса тарихий-меъморий ёдгорлиги олдида, аввал бухоролик касаначи хотин-қизларнинг махсулотлари кўргазмасини айландик.

— Ситорай Моҳи Хосса ҳақида кўп ўқигандим, аммо кўриш насиб этмаганди, — дейди Жиззах шаҳар ҳокимлиги маънавият ва маърифат маркази раиси Ҳабиба Қурбонбоева.

— Биз Жиззах шаҳридан шифокор, ўқитувчи, нафақа ёшидаги хотин-қизларимиздан 17 нафарини зиёратга олиб келдик. Шунинг алоҳида қайд қилмоқчиманки, ўтган 15 йил ичида ҳиззахлик аёлларнинг ижтимоий ҳаётида, тафаккурида катта ўзгаришлар бўлди. Яқин ўтмишда муқаддас қадамжоларни эмин-эркин зиёрат қилиш мўшкул эди. Бугунги зиёрат ҳукуматимизнинг биз аёлларга кўрсатётган ғамхўрликларидан биридир. Кўриб турибсиз, бугунги зиёратдан аёлларимиз руҳий мадад олиш билан бирга бухоролик тадбиркор, касаначи-

лар билан танишиб, фикр алмашяптилар. Бизнинг Жиззахда 410 нафар тадбиркор хотин-қиз бор. Айниқса, шаҳримизнинг «Олмазор», «Иттифок», «Ёшлик», «Сангзор» маҳаллаларида касаначиликни ривожлантирдик. Ҳозир 470 нафар аёл шу иш билан шуғулланади.

Яна бир хамроҳимиз ўз таасуротларини шундай билдиради:

— Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий тарихий-меъморий мажмуасини, ул зотнинг оналари қабрини зиёрат қилдик, шу кунга етказганга шукр, — дейди Жиззах туман марказий поликлиникаси педиатри Муясар Исмолова.

Халқимиз азалдан меҳмондўст. Зеро, шу кунги бухоролик деҳқонлар шаҳар аҳолиси учун ўн биринчи анъанавий қовун сайли ташкил этган экан.

— Ўн бир йилдирки, мустақиллик байрами арафасида Бухоро шаҳрида туманларимиз фермерлари етиштирган мева-сабзавот махсулотлари савдо ярмаркасини ташкил этиш анъ-

анага айланиб қолди, — дейди вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Юсуф Қурбонов — Бундан 20 йил олдин Бухорода 20 хил қовун нави бўлган бўлса, 15 йил ичида қовун навларининг ўзи 70 тадан ошди. Истиқлол деҳқонлари учун ана шундай илмий изланишларга йўл очиб берди.

Оддий ҳақиқат, ўтган ўн беш йиллик даврда республикамиз хотин-қизларининг маънавий оламида катта ўзгаришлар юз берди. Бугунги аёллар дунёвий илмга, тушунчага, мустақил фикрга эга. Улар бундан 15-20 йил илгариги хотин-қизлардан тубдан фарқлини турибди.

Бухорои шарифнинг муқаддас қадамжоларига қилинган зиёрат чоғида билдирилган фикрлар бунини яна бир бор исботлади.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Тошкент вилояти ўрта махсус
касб-хунар таълими бошқармаси

ЧИРЧИҚ ШАҲАР САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

барча таълим ва фан ходимларини ҳамда бутун
Ўзбекистон халқини ажойиб байрам —

Истиқлолимизнинг 15 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.



Бугунги шуқуҳли кунлар қадрига етайлик.
Фарзандларимиз камоли
йўлида қилаётган меҳнатларимиз роҳатини
кўриш ҳар биримизга насиб этсин!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги

«РОУТАХТ АУКСИОН»

давлат унитар корхонаси

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2006 йил 20 июлдаги 82-сонидан чоп этилган эълонда кўрсатилган, 2006 йилнинг 22.25.29 август кунини ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилиши белгиланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-

қами 10 АН 541 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси «VAQT» миллий депозитария акциядорлик жамиятининг 18.08.2006 йилдаги 1556-сонли хатига асосан кимошди савдоларидан олиншини маълум қилади.

Тошкент вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси

БЕКОБОД МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз халқини

мустақиллигимизнинг 15 йиллиги

байрами билан самимий муборакбод этади.



Тошкент вилояти ўрта махсус
касб-хунар таълими бошқармаси

ҚИБРАЙ ТУМАН «ЧИНГЕЛДИ» МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

барча таълим ва фан ходимларини ҳамда бутун
Ўзбекистон халқини энг улув, энг азиз байрам —

Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллиги
билан самимий муборакбод этади.

Ушбу қувончли кунларда мамлакатимиз
мустақиллигини мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини
қўшаётган барча юртдошларимизга соғлиқ,
оилавий бахт ва муваффақиятлар тилайди.

ОЛМАЛИК САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Ватанимиз Истиқлолнинг

15 йиллик байрами

муносабати билан барча юртдошларимизни
самимий муборакбод этади.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими
маркази ва бошқармаси ходимларини,
таълим соҳасида фаолият юритаётган барча
ҳамкасбларини байрам билан қутлайди.

Ушбу улув кунларда барчангизга
сиҳат-саломатлик, хонадонингизга қут-барака,
юртимизга фаровонлик тилаб қоламиз.



Фарзандларимиз
келажаги порлоқ,
мустақиллигимиз
боқий бўлсин!



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ — ШИМОЛИЙ КОРЕЯ

Жанубий Корея ҳукумати яқиндагина сув тошқинларидан азират чеккан Шимолий Кореяга 100 минг тонна гуруч ва бошқа озиқ-овқат жўнатишга қарор қилди.

Манбаларда хабар берилишича Пхеньян ўтган ойда дунё ҳамжамияти томонидан танқид остига олинган ракета синовларини ўтказганидан кейин Сеул томони ёрдамни тўхтатиб қўйган эди.

Жанубий Корея кўрсатаётган ёрдам 230 миллион долларга тенгдир.

Шимолий Корея оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотга кўра, тошқин оқибатида юзлаб одам ҳалок бўлди ва бедарак йўқолди.

КЕНИЯ

«Вести» телеканали маълум қилишича, Россиянинг Кениядаги фавкуллода ва мухтор элчиси Валерий Егоскин яқинда куни оғир тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.



Россия дипломатига ҳужум Кения пойтахти Найроби марказида уюштирилган. Полиция маълумотига кўра, Найробига қайтиб келаётган элчи машинаси кутилмаганда йўлга югуриб чиққан болакайни уриб юбормаслик учун тўхтаган. Шу пайт икки нафар шахс элчига ҳужум қилиб, орқасига пичоқ урган.

Ўтган йили Найробида Дания элчиси ҳам талончиликка учраб, ҳайдовчиси эса яраланганди.

АФҒОНИСТОН

Афғонистон жанубида толибонларнинг полиция ҳамда НАТО кучларига қарши чиқиши натижасида ўнлаб жангарилар ҳалок бўлди.

Полиция хабарига кўра, шанба куни кечқурун жангарилар Қандаҳор музофоти жанубидаги бозорга ҳужум қилишган. Натижада 70га яқин жангари ўлдирилди.

Толибонлар билан тўқнашуларга киришган ҳарбийларни ҳаводан НАТО авиацияси қувватлаб турди.



ЛИВАН

Араб мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари Қоҳирада бўлиб ўтган учрашувда Ливанни тиклаш учун маблағ ажратишга ваъда беришди. Бироқ тиклаш ишлари режасини тузиш бир ойга қолдирилди.

Ливан ташқи ишлар вазирари араб мамлакатларини вайронга айланган уй, йўл ва кўприклар таъмири учун кўпроқ маблағ ажратишга чақирди.

Ўз навбатида АҚШ ва унинг иттифоддошлари зиддиятлар натижасида талафот кўрган шахсларга «Ҳизбуллоҳ» томонидан молиявий ёрдам кўрсатилгандан хавотирда эканликларини билдиришмоқда.

Байрут кўчаларида қурилиш техникаси ишга тушиб кетди.



Бульдозер ва экскаваторлар Исроил авиацияси бомбардирмон қилган жойларни тозаламоқда.

Ливан бош вазир Фуад Сийора парламент спикери Ниби Берри билан биргаликда Исроил ҳарбий ҳаво кучларидан энг кўп талафот кўрган жанубий ҳудудларни кўздан кечиришди. Берри «Ҳизбуллоҳ» гу-

руҳининг парламентдаги вакилларидан биридир.

Бош вазир Исроил содир этган ҳаракатлар жиноят эканлигини яна бир бор таъкидлади.

Шу билан бирга Ливан армиясини мамлакат жанубига жойлаштирилиши давом этмоқда. Армия олдида «Ҳизбуллоҳ» назорати остида бўлган ҳудудларни эгаллаш вазифаси қўйилган.

Ливан мудофаа вазири Элиас Мур БМТ воситачилигида Исроил билан ўрнатилган тинчлик сулҳини бузган ҳар бир шахс хоин деб ҳисобланиб, шунга яраша жазога тортилишини айтди.

Исроил Вазирлар Маҳкамаси Ливан ҳудудида кейинчалик ҳам Суриядан қурол-яроғ кириб келишининг олдини олиш учун амалиётлар ўтказиш ҳуқуқини талаб қилмоқда.



«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил, 21, 28 сентябрь ва 5 октябрь кунлари соат 11.00да республика Кўчмас мулк биржаси биносидан, объектнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент вилояти Хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб топилган:

Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, саноат ҳудудида жойлашган, тугатилган «Оҳангаронлипласт» ОАЖга қарашли бино, иншоот ва мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида.

Бошланғич баҳоси — 12 600 000 000 сўм.

Умумий майдони — 23,0 га., бино ва иншоотлар майдони — 18,6 га., ишлаб чиқариш майдони — 4,3 га.

Корхонага йил давомида 4 300,0 минг кв.м. линолеум, 23 000 минг кв.м. хил турдаги плёнка маҳсулотлари ҳамда 200 тонна полиэтилен қувур, пластмассадан тайёрланадиган ҳар хил турдаги 500 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга жиҳозлар ўрнатилган.

Биноларнинг қисқача тавсифи:

— майдони 9,12 кв.м., 10,56 кв.м., 9,42 кв.м. дан бўлган 4 та қоровулхона; — майдони 273,7 кв.м., 53,11 кв.м., 1012,05 кв.м., 1273,3 кв.м., 12767,5 кв.м., 122,83 кв.м., 172,8 кв.м., 6210,9 кв.м., 313,73 кв.м., 172,63 кв.м., 43,68 кв.м. бўлган 7 та ишлаб чиқариш цехи ва 4 та ишлаб чиқариш биноси;

— майдони 6,72 кв.м., 6,76 кв.м., 5,65 кв.м., 11,76 кв.м., 15,12 кв.м., 11,7 кв.м. бўлган 6 та ҳожатхона;

— майдони 914,86 кв.м., 336,42 кв.м., 402,28 кв.м., 203,7 кв.м., 673,5 кв.м., 89,79 кв.м., 97,44 кв.м., 162,56 кв.м., 301,66 кв.м., 74,71 кв.м., 742,14 кв.м. бўлган 11 та омборхона биноси;

— майдони 207,36 кв.м., 106,79 кв.м., 114 кв.м. бўлган 3 та сув ҳовузи;

— майдони 665,82 кв.м., 298,87 кв.м., 982,8 кв.м., 32,16 кв.м. бўлган 4 та икки қаватли бино;

— майдони 320,76 кв.м., 76,7 кв.м., 17,1 кв.м., 443,05 кв.м., 419,56 кв.м., 510,3 кв.м., 987,6 кв.м., 66,24 кв.м., 22,18 кв.м., 115,2 кв.м., 24,36 кв.м. бўлган 11 та соябон;

— майдони 46,75 кв.м., 33,86 кв.м., 45,48 кв.м., 29,78 кв.м., 20,7 кв.м., 27,04 кв.м., 14,52 кв.м., 48,06 кв.м., 44,46 кв.м., 85 кв.м. (2 қаватли), 14,56 кв.м., 28,32 кв.м., 75,64 кв.м., 13,96 кв.м., 2251,1 кв.м., (3 қаватли), 1871,5 кв.м. (2 қаватли), 9,24 кв.м., 42,78 кв.м. бўлган 18 та таъминот биноси;

— майдони 103,84 кв.м. бўлган ёни-лғи мойлаш материаллари биноси, майдони 414 кв.м. бўлган бункер, майдони 581,41 кв.м. бўлган кран, майдони 105,09 кв.м. бўлган дўкон, майдони 262,08 кв.м. бўлган кутубхона, майдони 398,37 кв.м. бўлган ер ости сув омбори, майдони 614,84 кв.м. бўлган автосарой, майдони 403,63 кв.м. бўлган ошхона биноси.

Шунингдек, умумий ер майдони — 14 723 кв.м., қурилиш ости ер майдони — 585,80 кв.м. бўлган Ўртачирчиқ тумани, Туябугиз қўرғонида жойлашган 2 қаватли «Дам олиш оромгоҳи».

Дам олиш маскани қуйидаги бинолардан ташкил топган: маъмурий бино — 368 кв.м., сауна — 54 кв.м., ошхона биноси — 163,8 кв.м.

2. Тошкент вилояти Хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб топилган «Ўртачирчиқ» ОАЖ балансидаги,

— Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳри, Дўстлик кўчасида жойлашган «Нов» комбинатининг бино ва иншоотлари (асбоб-ускуналаридан ташқари).

Бошланғич баҳоси — 49 842 000 сўм.

— Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Гулистон ш/х.да жойлашган 4-сонли дўкон биноси.

Бошланғич баҳоси — 3 609 000 сўм.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан зақалат пули тўлаши шарт.

Зақалат пули «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банки Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона. Маълумот учун тел/факс: 399-80-23.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ

«САМАРҚАНДТЕЛЕКОМ» ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

бунёдкор халқимизни энг улуг, энг азиз байраимимиз —

Мустақилликнинг 15 йиллиги

билан чин дилдан муборакбод этади.

Озод Ватанимиз 15 йил ичида асрларга татигулик катта тарихий йўлни босиб ўтди.

Филиалимиз жамоаси ҳам Истиқлол туфайли улкан ютуқларни қўлга киритди.

Энг муҳими, одамлар эртаимиз бугундан-да саодатли бўлишига

қатъий ишонч ҳосил қилишди.

Азиз юртдошлар! Муқаддас юртимиз-шўҳрати янада зиёда бўлсин!



Тошкент вилоят педагогика коллежи жамоаси

барча ватандошларимизни мамлакат мустақиллигининг
15 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Ватанимиз қисқа вақт ичида исми кўрилмаган даражада ривожланди.

Буни таълим соҳасида эришилган ютуқлар мисолида ҳам
яққол кўриш мумкин. Билим масканимизда кўплаб ёшлар
таълим олиб, халқ хўжалиги учун малакали мутахассис кадрлар
бўлиб етишмоқдалар.



Ниятимиз шуки, ёшларимиз озод Ватанимизга
сидқидилдан хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишсин!



G'ALLABANK

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК - ТИЖОРАТ БАНКИ «ГАЛЛАБАНК»
ЮРТИМИЗ ФУҚАРОЛАРИНИ МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
15 ЙИЛЛИГИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ ВА «TINFA» ДЕБ НОМЛАНГАН
ҚИСКА МУДДАТЛИ ОМОНАТ ТУРЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Мазкур омонатларга маблағлар жорий йилнинг 10 август — 8 сентябрь кунлари
3 ой муддатга қабул қилинади ва йиллик 24 фоиз миқдоридан устам тўланади.
Шу билан бирга, доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам
мблағлар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз:

Омонат тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал (сўмда)	Асосий шартлари
Пластик карточка	муддатсиз	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан	1000	Талаб қилиб олинганча сақланади, фоизлар кунлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қолдиғи 10000 сўмдан кам қолса, шу кун учун фоиз ҳисобланмайди.
Имкониёт	6 ой	18,0	10000	Омонат муддати тугаганидан сўнг маблағни уй-рўзгор ашёси, енгил автомобиль, турар жойлар сотиб олиш мақсадида ишлатилади.
Саломатлик	11 ой	19,8	10000	Фоизлар фақат савҳатга чиқиш ва саломатлиқни тиклаш учун сарфланади.
Нафақа-мададкор	1 йил	18,0	10000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади.
Ishonch	3 ойдан 3 йилгача	18,0-20,4	10000 дан 5000000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Luks	3 ойдан 3 йилгача	18,6-21,0	5000000 дан 10000000 гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Kafolat	3 ойдан 3 йилгача	19,2-21,6	10000000 дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Istiqloil	6 ой	22	500000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль — 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.
Farovonlik	3 ой	21	200000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль — 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.
Fayzli	2 ой	20	100000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль — 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.
Mezhrigiye	18 ёшгача	15,6	10000	Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади ва 18 ёшга тўлганда берилади.
Kelajak	16 ёшгача	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдоридан	10000	Омонат 16 ёшгача сақланиб, фоизлар молия йили якунида тўланади.
Коммунал омонати	3 ой ва ундан юқори	21,6	100 000	Аҳолига уй-жой-коммунал тўловлар хизмати ва электр тўловларини омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади.

Омонатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланади.

Сизларни ўз миждозларимиз қаторида кўришдан мамнунмиз!

Мурожаат учун тел: 136-26-57, 136-70-60, 132-16-55, 133-71-72

Шунингдек, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида жойлашган минтақавий филиал ва туман филиалларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Галлабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

Тошкент вилояти ўрта махсус
касб-ҳунар таълими бошқармаси

БЕКОВОД ШАҲАР САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

барча таълим ва фан ходимларини ҳамда бутун
Ўзбекистон халқини, шунингдек, коллеж ҳомийси —
Бекобод металлургия комбинати меҳнат жамоасини
энг улуғ, энг азиз байрам —

Ватанимиз Истиқлолнинг
15 йиллиги

билан самимий муборакбод этади.



Ушбу қувончли кунларда мамлакатимиз
мустақиллигини мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини
қўшаётган барча юртдошларимизга соғлиқ,
оилавий бахт ва муваффақиятлар тилайди!

Хоразм вилояти

«Қишлоқхўжаликкимё»

худудий акциядорлик жамияти жамоаси

Юртдошларимизни

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги

билан чин дилдан муборакбод этади!

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да
халқимизнинг бахт-саодати ва
фаровон ҳаёти йўлида биз ҳам ўз
ҳиссамизни қўшаётганимиздан
беҳад бахтиёрмиз.

Мустақиллик айёми
муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!



«САМАРҚАНД ПАХТАСАНОАТ»


худудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

мамлакатимиз халқини

Истиқлолнинг 15 йиллик байрами

билан самимий муборакбод этади.

Авваламбор юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳукм суришини ва мустақиллик қуёши осмонимиз узра абадий порлаб туришини тилаймиз. Ўн беш йил кўҳна тарих олдида гўё лаҳзадек бўлса-да, унинг салмоғи, салоҳияти ва қудрати беқиёсдир. Иқтисодиётимиз кучга тўлиб, тобора қад ростлаяпти. Айниқса, пахтачилик ва пахта саноати соҳаси жадал ривожланиб, юксалиб борапти.



Азиз ватандошлар!
Кўнгилларни эзгулик, шодлик,
шукроналик ва умид
туйғулари тарк этмасин.
Қилаётган меҳнатимиз шу Ватанга,
ҳар бир оиллага
қут-барака олиб келаверсин!

• Тахририятимиз меҳмони

«ЁНИБ КУЙЛАШНИ ЯХШИ КЎРАМАН»

— дейди хушовоз хонанда, «Ниҳол» мукофоти совриндори Гулсанам Мамазоитова

— Миллийлик туйғуси билан яралган кўшиқгина миллат мулки бўлиб қолади. Бундай кўшиқ яратиш эса осон иш эмас, албатта. Сиз нима деб ўйлайсиз қандай кўшиқ умрбоқий бўла олади?

— Дунёда бир туйғу борки, ундан маҳрум бўлган одам бир кун уятга қолади. Бу ватанпарварлик — миллийлик туйғусидир. Ёшлар қалбига мана шу юксак туйғуни чуқур сингдирмас эканми, улар камолоти тўла-тўқис бўлолмайди. Чунки юртимиз эртасининг ҳам, кўшиқчилигимизнинг жаҳонга чиқиши тақдир ҳам шунга боғлиқ. Афсуски, кишини ташвишга соладиган муаммолар кўп.

— Аччиқ бўлса ҳам бир ҳақиқатни айтмайми?

— Бемалол, айтаверинг. — Ҳозирги кунда айрим ота-оналар қандай қилиб бўлмасин, фарзандлари машҳур бўлишини хоҳлашади. Турли йўллар билан матбуотдан, радио, телевидениедан фойдаланишга ҳаракат қилишади, шуҳрат ортиришга интилишади. Бироқ бу йўл билан узоққа бориб бўлмайди. Одамга аввало Худо қўйган бўлиши керак. Қолгани ҳалол меҳнатга, сабр ва иродага боғлиқ. Миллат мулкига айланмаган кўшиқлар юракдан чиқishi керак. Шейр ҳам, мусиқа ҳам, ижро ҳам.

— Енгил-елли кўшиқлар ҳақида кўп баҳс-мунозаралар бўлаяпти. Айримлар айта айтибдида, эшитган эшитаяди,

хоҳламаган эшитмасин дейди. Айримлар эса бундай кўшиқлар ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилади дейди. Сиз нима деб ўйлайсиз?

— Санъат жамиятнинг маданияти, билимлик даражасини белгилайди, қолаверса, қадим-қадимдан миллатнинг кучли ёки кучсизлигини ганимлар халқнинг санъатига қараб аниқлашди. Бу йўлда ҳар хил ўйинлар кетмади. Бугун хонанда кўп, созанда кўп. Яхшиши ҳам бор, ёмони ҳам. Баъзи кўшиқчилар борки, кўшиқ айтолмаслиги шундай кўриниб туради. У ўзини асосатда юрганини билмайди. Агар ҳақиқатни юзига айтсангиз, балога қоласиз.

«Мени «халқ» эшитаяпти, сенга нима» деб кўкрагига уради. Кейин нима ҳам дейсиз. Хайрон бўлиб қулиб қўясиз. Ҳозир баъзи ўзбек хонандалари ўзбек тилини яхши ўзлаштирмаган ҳолда кўшиқ айтолмади. Тил тўри бўлмагандан кейин нуқсонлар келиб чиқаяверади. Айрим кўшиқчилар эса санъатни синон майдонига айлантириб олишган. Улар учун бу оддий қизиқиш, ҳоби бўлиб қолган.

— Ҳў, энди ўзингиз айтинг, шуни кўшиқ деб, уни айтгани санъаткор деб бўладими?

— Ҳар бир санъаткорнинг кўшиқ яратиш усули бор. Сиз қандай ижод қиласиз?

— Мен Бобороҳим Машраб лирикисини яхши кўраман. Чунки унинг газаллари ҳар қандай даврга мос тушади. Машраб ижо-

дининг буюклиги, муомзолиги ҳам шунда. Машрабона, халқчил, юракдан тўкилган сатрларни оҳангга солиш ҳам осон, ҳам қийин. Улуг шоирларнинг шеърларини қуйлашнинг масъулияти то мени ҳам бор.

— Сизнинг, кўшиқларингиз оҳангига майин нолалар, овозингизда эса ўзига хослик сезиляди...

— Аввалом бор, мусикани жуда яхши тушунаман деб айтмайман, лекин қаерда қай қатлада қуйлашни, қай мисрада овозни кўтаришни имконим даражасида ҳис қиламан. Менга яқиндан ёрдам бериб келаятган Мусохон Нурманов, акам ва устозим Отабек Мамазоитовларнинг бу борада таъсири катта деб ўйлайман.

— Яна бир гап. Мана икки йилдан бери кўшиқчиликда миллий йўналиш қучая бошлади. Бу яхши. Бироқ, ҳали камчилигимиз ҳам етарли. Санъаткор учун энг муҳими вақтида ўз хатосини англаб етиш... Имкон қадар тақлиддан қўтилиб, ўз услубини топган санъаткор ютказмайди.

— Агар янгилик қилолмасангиз сизнинг кўшиқларингиз узоқ яшолмайди. Бу ёмон албатта.

— Сезаяспизми, кейинги пайтда кўплаб кўшиқлар яратилаётган бўлса-да, камдан-кам ҳолда ярқ этиб чиққан кўшиқ пайдо бўлаяпти. Бу тўғрида биз хонандалар қайғурмасак, ким қайғуради, ким тавиш тортади? Мана бир ўйлаб кўринг, нега ҳозир ҳинд, турк ва

араб мусикалари кенг тарқалмоқда. Уларда жозоба сезиляди. Тошоабинни ўзига тортади. Чунки уларда миллийлик бор. Бу мусикаларни эшитиб жаҳон халқлари хайратга тушмоқдалар. Кечирасизу, бизлар — айримларимиз улардан кўчирма олиш билан оворамиз. Қани ўзимизнинг миллий эстрада? Нима, ўзбек эстрадасининг куни ўзга халқлар мусиқасига қараб қолдим? Санъатимизнинг салоҳияти катта. Қурбимиз етди. Фақат изланиш, жон койитиш керак.

— Ҳар бир инсоннинг ўзи севиб тинглайдиган кўшиқчиси бўляди. Сизга кимларнинг кўшиқлари ёқади?

— Болалигимдан эл севган санъат усталари устозим Таваккал Қодиров ва Фаттоҳон Мамадалиев кўшиқларини севиб тингламан. Ёлғиз қолганимда уларга эргашиб хиргойи қиламан. Ёшлардан Улуғбек Отажоновнинг кўшиқлари менга ёқади. Севиб эшитадиган кўшиқларим кўп. Назаримда ҳаммасини сана ш шарт эмас.


— Эстрада санъатини ривожлантириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш керак?

— Юртобшимиз санъат соҳасига катта эътибор бериб келяптилар. Бунга биргина «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши ёрқин мисол бўла олади. Мана, куни кеча «Ниҳол» мукофотининг янги совриндорларига мукофотлар топириди. Мен ҳам шу танта-

нада қатнашдим. Бу мукофот ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Назаримда барча вилоятларда етишиб чиқаятган ёш истеъдодларга моддий ва маънавий кўмак беришнинг янги-янги йўлларини ўйлаш лозим. Уларни тарғибот-ташвиқ қилишни кўчатириш янада зарур. Қолаверса, кўпроқ жонли ижрода танловлар ўтказиш, тошоабин олдида ёшларни чиқариш керак. Халқ ёш кўшиқчиларни билиб бориши лозим. Улар устозлар билан ёнма-ён туриб, кўшиқ айтишни ўргансалар ёмон бўлмайди, албатта.

— Миллий санъатимиз дунёни хайратга солиши шубҳасиз... Хорижликлар миллийликка кўп қизиқшади. Мен буни АҚШ, Германия, Японияда сафарда бўлганимда сездим. Хорижга клип ишлаш ёки дам олиш учун борганим йўқ, албатта. Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари бўлди ва ўзбек санъати имкониятларини жаҳонга кўрсатиб қайтди.

— Халқимизнинг энг улуг, энг азиз айми мустақиллигимизнинг 15 йиллик байрами яқинлашмоқда. Шундай ҳаяжонли дақиқалар арафасида кўнглингизда нималар кечмоқда?



— Тўғриси айтиш керак, бошида ёш эдим, истиқлол ҳақида аниқ фикрга эга эмасдим. Улғайиб энди тушунаман. Мана, ўз кўзларим билан кўриб турибман. Қанча-қанча ўзгарилар содир бўлаяпти. Яратган эгам тинчлигимизни берса шу кетишда Ўзбекистон тараққийини бир тасаввур этиб кўринг... Санъат соҳасидаги кўрсатилган гамхўрликни айтмайсизми? Шу овоз Ватанда туғилганимга мингдан-миг шукроналар айтаман! Юртошларимни ажойиб байрам, Мустақиллик айми билан табриқлайман, уларга тан-сиҳатлик ва омадлар тилаб қоламан. Хонандоларида ҳамма куй-қўшиқ янгрисин. Юртимизда тўйлар тўйга уланиб, шодибанлар тантанаси давом этаверсин...

Сўхбатдош: Бардамбек САЎДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

• Интер-спорт

ЗИДАН ТБИЛИСИГА БОРАРМИКАН?

Маълумки, Грузия терма жамоаси футболчилари Европа чемпионати саралаш учрашувини 2 сентябрь куни ўз майдонларида бошлайдилар. Грузинлар жаҳон чемпионати кумуш медали соҳиблари бўлган французларни қабул қилдилар. Шу муносабат билан Борис Пайчадзе номидagi Миллий стадионда ўзига хос байрам бўлиши кутилмоқда. Босис, олти миң томошбинга мўлжалланган бу стадионда қарийб уч ярим ой мобайнида таъмирлаш ва тазалаш ишлари олиб борилди. Грузия футбол федерацияси Францияга мактуб йўллаб, афсонавий тўпурар, Франция футбол федерациясининг собиқ президенти, ФИФА ижрокўми аъзоси Мишель Платини билан таникли футболчи Зинеддин Зиданни таклиф қилган.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги — тантаналари билан муборакбод этади.

Шаҳару қишлоқларимизнинг обод ва гўзаллиги, халқимиз давлатманлиги, Ватанамиз буюклиги ошаверсин!

Бошқарма тасарруфула фаолият юритаётган жаҳоннинг манамен деган дам олиш масканлари билан беллаша оладиган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамма курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлаймиз.

ЎЗБЕКISTON КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

САНАТОРИЙ ЧИНАБАД

УПРАВЛЕНИЕ КУРОРТАМИ ПРИ СОВЕТЕ ФЕДЕРАЦИИ ПРОФСОЮЗОВ УЗБЕКИСТАНА

Тошкент шаҳридаги «ТУРОН санаторийси» ОАЖга

Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«ЧИНОБОД санаторийси» ОАЖга

Даволаниш учун кўрсатма: Ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

Тошкент вилоятидаги «БОТАНИКА санаторийси» МЧЖга

Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон-томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва Ҳазм аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«БЎСТОН санаторийси» МЧЖга

Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон-томир, ҳаракат-таянч асаб, гинекологик ва урологик касалликлар.

«УМИД ГУЛШАНИ санаторийси» МЧЖга

Даволаниш учун кўрсатма: Гинекологик, андрологик, бепушлик, ҳаракат-таянч ва асаб тизими касалликлари.

«ОҚТОШ санаторийси» МЧЖга

Даволаниш учун кўрсатма: Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Андижон вилоятидаги «МАРҲАМАТ санаторийси» МЧЖга

Даволаниш учун кўрсатма: Юрак-қон-томир, асаб ва сурункали тери касалликлари.

Бухоро шаҳридаги «СИТОРА МОҲИ ХОССА» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма: Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, Ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

Жиззах вилоятидаги «ЗОМИН санаторийси» МЧЖга

Даволаниш учун кўрсатма: Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Қашқадарё вилоятидаги «Қашқадарё соҳили» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма: Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва Ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«МИРОҚИ санаторийси» МЧЖга

Даволаниш учун кўрсатма: Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Наманган вилоятидаги «ЧОРТОҚ» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма: Қон айланиши, ҳаракат, Ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она

4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«КОСОНСҲИ» санаторийси» МЧЖга

Даволаниш учун кўрсатма: Қон-томир, ҳаракат, Ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.

«НИҲОЛ» МЧЖ санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма: Ҳаракат, Ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари.

Самарқанд вилоятидаги «АБУ АЛИ ИБН СИНО» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма: Қон айланиши, таянч ҳаракат аъзолари, асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Фарғона вилоятидаги «ЧИМЁН санаторийси» МЧЖга

Даволаниш учун кўрсатма: Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Хоразм вилоятидаги «ХОНҚА» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма: Юрак қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.

ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ — 14 КУН.

ЎЗБЕКISTON КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

САНАТОРИЙ БЎЕМОН

УПРАВЛЕНИЕ КУРОРТАМИ ПРИ СОВЕТЕ ФЕДЕРАЦИИ ПРОФСОЮЗОВ УЗБЕКИСТАНА

BOSH MUHARRIR:	Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:	Abdulla O'RIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Ashur QODIROV Nobir ALIMOV Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana») Norbobo SHAKAROV Nomoz SA'DULLAYEV To'lepbergen QAIPBERGENOV Muslihdiddin MUHIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:	O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:	Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13 Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-76-21 Ekologiya va salomatlik 133-44-55 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:	Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-22-32 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:	700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi:	Zayniddin MAMADALIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.	Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, poyshanba va shanba kunlari chiqadi.	«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tabiiyot ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1052	7452 nusxada bosildi
t — Tajribat materiallari	O'zA yakuni — 20.45 Topshirish vaqti — 23.45 1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda	

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. Мурожаат учун телефонлар: 153-85-68, 153-78-15.